2023-YIL – INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 18-may, Payshanba | № 21 (9237)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Рено-Бассо хоним!

Ҳурматли Бруннер жаноблари!

Хорижий ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги йиғилиши қадимий ва бетакрор Самарқандда ўтказилаётганини биз мамлакатимизга, ислоҳотларимизга юксак ишонч ва эътибор ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Бугунги анжуманни ўтказиш учун айнан Самарқанд шаҳри танлангани чуқур рамзий маънога эга, деб ўйлайман. Азал-азалдан Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган ушбу азим шаҳар Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни ўзаро боғлайдиган, Европа, Осиё ва Африка қитъалари ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва илмий-технологик алмашувлар макони бўлиб хизмат қилган.

Бу заминда турли цивилизациялар ўртасида юксак мулоқот маданияти шаклланганини билан биз доимо фахрланиб келамиз.

Дунёнинг барча минтақаларидан 2500 дан ортиқ меҳмонлар иштирок этаётган бугунги анжуман ана шу эзгу анъаналарни янги босқичда давом эттириб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик кўпригини мустаҳкамлайди, деб ишонаман.

Тобора кучайиб бораётган ҳозирги геосиёсий зиддиятлар даврида бундай очиқ ва яқин мулоқотлар, дўстона алоқаларни янада кенгайтириш барча мамлакатлар учун албатта ниҳоятда зарур. Шу маънода, бугунги нуфузли анжуманнинг асосий мавзуси "Барқарорлик учун инвестиция", деб белгиланганини катта аҳамиятга эгадир.

Барчангиз кўриб турибсиз, глобал иқтисодий муаммолар тобора авж олмоқда. Иқлим ўзгариши ва экологик хатарлар кучаймоқда, табиий ресурслар эса камайиб бормоқда. Бундай мураккаб вазиятда бугунги ва келгуси авлодлар муносиб ҳаёт кечириши учун янги технология ва лойиҳаларга кўпроқ инвестициялар киритиш талаб этилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу муҳим анжуман давлатлар ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли алоқаларни янги босқичга олиб чиқади, иқтисодиётларимиз ривожи учун сармояларни янада кўпайтиради, барча аъзо мамлакатлар тараққиётига беқиёс ҳисса қўшади.

Азиз дўстлар!

Ўзбекистонда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг бундай форматдаги йиғилиши роппа-роса 20 йил олдин бўлиб ўтган эди. Бугунги анжуманда янги меҳмонлар билан бирга, аввалги йиғилишда қатнашган иштирокчиларни ҳам кўриб турибман.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас.

Олти йил муқаддам бошлаган қатъий ислоҳотларимиз натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бугун сиз, азизларни мутлақо янги муҳитда – дунёга кенг очилаётган, барча соҳаларда ҳамкорлик учун тайёр бўлган Янги Ўзбекистонда қабул қилаётганимиздан ғоят мамнунмиз.

Сўнгги йилларда юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон бозорларига дадил кириб бориш бўйича салмоқли ютуқларга эришдик, деб айта оламиз. Жумладан, инсон ҳуқуқларини амалда энг олий қадрият даражасида таъминлаш мақсадида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди.

Сўз ва эътиқод эркинлиги, гендер тенгликни таъминлаш бўйича эришган амалий натижаларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда илк бор камбағаллик мавжудлигини тан олдик ва уни қисқартириш учун самарали тизим яратдик. Бу тизим билан давлат кўмагига муҳтож оилалар тўлиқ қамраб олинди.

Шу билан бирга, қонун устуворлигини таъминлаш, суд мустақиллиги ва одил судлов институтини мустаҳкамлаш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш борасидаги ислоҳотларни қатъий давом эттиряпмиз.

Аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган тизим – маъмурий судлар ташкил этилди. Жамиятда коррупцияга муросасиз бўлиш муҳитини шакллантириш энг устувор вазифаларимиздан бирига айланди.

Хорижий инвестор ва ҳамкорларимиз узоқ кутган енгиллик ва имкониятлар иқтисодий ислоҳотларимизда ўз аксини топмоқда.

Валюта тизими эркинлаштирилгани, ташқи бозорларга чиқиш бўйича тўсиқлар олиб ташлангани, 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилингани натижасида ташқи савдо айланмаси икки карра ошди.

Шу билан бирга, солиқ юки қарийб 2 баробар камайгани, солиқ маъмурчилиги соддалашгани, Ўзбекистонда минтақамиздаги энг жозибадор фискал тизим шаклланганини халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Ислоҳотларимизга ишонч ортгани туфайли йиллик хорижий сармоялар ҳажми 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўпайди.

Умуман, мамлакатимизда қулай бизнес муҳити яратилгани натижасида тадбиркорлар сони 4 баробар ошди.

Энг муҳими – сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларимизни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватламоқда.

Яқинда умумхалқ референдумида қабул қилинган янгиланган Конституциямизда ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги ва бардавом бўлиши қатъий кафолатланди.

Бир сўз билан айтганда, биз ўзимиз танлаган, узоқ муддатга мўлжалланган очиқлик ва барқарор тараққиёт йўлидан оғишмасдан, янада дадил олдинга борамиз.

(Давоми 2-саҳифада)



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ — *Пресс-тур*

## Enter Steel ва Enter SOLAR Green Energy ФАОЛИЯТИ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Мамлакатимизнинг саноат салоҳияти, жумладан, бу ишларда Enter Engineering Компаниялари гуруҳининг иштироки салмоғи билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида жойлашган Enter Steel ва Enter SOLAR Green Energy машинасозлик заводларига пресс-тур ташкил этилди.

ОАВ вакиллари эътиборига дастлаб Enter Steel заводининг нисбатан қисқа вақт ичида металл конструкциялар, кўприкли ва чорпоя кранлар, босим остида ишловчи сиғимлар ва аппаратлар ишлаб чиқариш бўйича йилига 25 мингта маҳсулот қувватига эга Ўзбекистондаги энг йирик корхонага айлангани ҳақида ҳикоя қилувчи тақдимот ҳавола этилди. Англаш мумкинки, заводнинг қуввати ва салоҳияти йилдан йилга ортиб бормоқда. Унинг филиали Олмалиқ шаҳрида



ишламоқда, Бухоро вилоятида эса "Enter Steel Karakul" янги заводи қурилмоқда, заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар Чирчиқ шаҳрида жойлашган заводга тегишли конструкторлик бюросида яратилмоқда. Асосий эътибор ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича жаҳон стандартларига мос бўлишига қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, завод маҳсулотлари ASME, ISO, IQNet каби халқаро сертификатларига эришган.

Меҳмонлар заводнинг цехларида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини яқиндан кузатдилар, ходимлар билан танишиб, етакчи мутахассислар билан суҳбатлашдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

## МЕҲМОН КУТАР НАМАНГАН, ГУЛЛАР ТУТАР НАМАНГАН

Наманганда 62-бор ўтказилаётган халқаро гуллар фестивалига ҳар қачонгидан-да пухта ҳозирлик кўрилди. Бугун вилоятнинг нафақат гул байрами ўтадиган боғлари, унинг кўча, гузар, хиёбонлари "Шоҳи сўзана" тўшалган макон қиёфасини олган, десак муболаға қилмаган бўламиз.




Қолаверса, байрамга вилоятнинг ижод аҳли ҳам муносиб совға ҳозирлади. Нозимжон Тошпўлатов раҳбарлик қилаётган вилоят мусиқали драма театри жамоаси дунё аҳлини гуллар юртига чорловчи янги қўшиқ яратиш устида иш олиб бориб, эзгу мақсадларига етди. Шоир, журналист, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Равшанбек Мирзаолимовнинг "Сизни кутар Наманган, гуллар тутар Наманган" шеърига таниқли санъаткор Ҳамиджон Маллабоев томонидан мусиқа басталанди. Тўйга тўёна бўлган янги қўшиқни театрнинг хушовоз хонандалари моҳирона ижро этишди.

Наманганликлар дунё аҳли ва юртдошларимизни навбатдаги халқаро гуллар фестивалига чорлаб қолади.

**Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**"Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби.**







САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

## РАВОН ЙЎЛЛАРДА ОЛИС МАНЗИЛЛАР КЎЗЛАНАДИ

*Йўллар хусусида гап кетгудек бўлса, кўпинча йиллар ва йўллар сўзлари кетма-кетлиги ёдга тушади. Бунинг боиси шундаки, иккала сўз ҳам қайсидир маънода бир-бирига узвий боғлиқ. Умримиз йиллари йўлларда кечади, йиллар йўлларга сочилгандек гўё. Йиллар ўтиши баробарида йўллар таъмирга муҳтож бўлиб бораверади. Бугун текис, равон қилиб таъмирланган йўл маълум бир муддат ўтиб яна таъмирга, қаровга муҳтож ҳолатга келади. Шунинг учун ҳам йўлсозлар иши тугамайди, қишин-ёзин давом этаверади.*

(Давоми 2-саҳифада)

## УММОН ОРТИ ТААССУРОТЛАРИ



*Эмма хоним бошқарувидаги "Жип" тез суръат билан олға босмоқда. Тоғлар, даралар, даштлар, йўловчиларнинг хотиралари каби ортда қолмоқда эди. Борган сари гўзал, кўркам манзаралар, обод далалар, етилган экинзорлар, бўлиқ пахта майдонлари, мевалари етилиб шарбатга айланган боғлар, чорва фермалари, маҳобатли бинолар кўринар эди. Йўл ортидаги пальма, кедр, кактус дарахтлари панасида аҳолининг бир қаватли, қулай ва оддий уйлари турарди. Подаларнинг олисдан келадиган маъраши, қушлар чуғири, баргларнинг шамолда шитирлаши баралла эшитилади.*

Ёввойи апельсин дарахтларининг яшил девори қорайиб кўринади. "Хэлло" деган узун-юлуқ сўзлар эшитилади аҳён-аҳёнда.

Америкалик миришкорлар заҳматкаш, уддабурон. Замин соҳибларининг аксарияти шунчаки ишёқмас кишилар бўлмай, шудгорга пешона тери ва меҳрини, кучини ўғит қилган асл деҳқонлар, фермерлар эканлигини англаш қийин эмас. Бу уларнинг бироз одми, оддий кийинишларидан, содда ва тўғрисўзликларидан, самимий қарашларидан билиниб турарди. Айни пишиқчилик пайтларида далада мева-чева, қовун-тарвуз, ошқовоқ ва бошқа турли ноз-неъматлар сероб бўлади, оёқ босарга жой топилмайди. Хуллас, Америкада ҳаммаси антиқа, ажабтовур. Одамни ҳайрат бармоғини тишлашга ундайди. Аслида америкаликлар ўз қадр-қимматини биладиган, инсоний ғururини ҳис этадиган кишилардир.

Лос-Анжелес шаҳридан унча узоқ бўлмаган масофада Десконса отлиғ миллий боғ бор. Бир учи салобатли ва маҳобатли Голливуд тоғларига туташиб кетган. Бу ерга дунёнинг барча бурчагидан дарахт ва буталар келтирилиб, ўтқазилган. Боғ ажабтовур, узу кун қушлар чуғури тинмайди. Боғда ишловчилар емиш илинжида тоғдан энган жониворларнинг қорнини бажонидил тўйғизади. Десконса боғидаги ўриндиқда ўтирганимизда гап бўлинди. Эндрю амаки мулойим, беозор жилмайиб, бош ирғади. Шунда Эндрю амакига меҳрим жўшиб кетди. У бунга жавобан жилмайди, шундоққина елкасига келиб қўнган қирғийнинг бошини силаб эркалаган бўлди ва унга алланарсалар деб сўз қотди. Унинг бўйи дароз, қотмадан келган, қиёфаси мардона ва қатъиятли. Десконса миллий боғидаги ўриндиқлар завқ-шавққа тўлиб-тошган кўнгилларга тўла эди. Эндрю амаки улар билан чор-атрофни муҳофаза этиш, ердан имкон қадар расамади билан фойдаланиш, экологик муаммолар юзасидан, тағин алланарсалар ҳақида гурунглашди, кимлардир унинг ёш ва соғлом кўриниши ҳақида мақтовлар ёғдирди. Ростдан ҳам, Эндрю амаки керакли одам.

(Давоми 3-саҳифада)

**Марказий Осиёда ягона ҳисобланган заводда 25 йиллик фойдаланиш муддати кафолатланган қуёш панеллари тайёрланади**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-саҳифада)

Биринчи. Мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инвесторларга янада қулай шароитлар яратишни яхлит тизим асосида амалга оширамиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши чет эллик сармоядорлар билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиб, ўзаро манфаатли лойиҳалар ва узоқ муддатли стратегияларни биргаликда ишлаб чиқишда ҳал қилувчи бўғин бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан бирга ташкил этилган ушбу мулоқот платформаси биз учун янги тажрибалар орттиришга хизмат қилади ва қўшимча имкониятлар яратади, ислоҳотлар жараёнида замонавий ёндашувларни жорий этишга кўмаклашади.

Инвесторлар қаерда бўлмасин, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида ташкил этилган “ягона дарча” орқали – 14 та ҳудуд, 208 та туман ва шаҳарда ҳамда Ўзбекистоннинг хориждаги барча дипломатик ваколатхоналарида уларга зарур кўмак ва хизматлар кўрсатилади.

Шунингдек, йил якунигача халқаро экспертлар билан ҳамкорликда тарихимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилади.

Иккинчи. Биз товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат бозорларини янада эркинлаштириш сиёсатини жадал давом эттирамиз. Жумладан, дунёдаги ишлаб чиқариш занжирларига қўшилиш мақсадида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун катта қадамлар ташладик. Ушбу йўналишда бу йил салмоқли натижаларга эришамиз, деб ишонаман.

Учинчи. Ортиқча бюрократияни қисқартириш ва коррупцияни таг-томири билан йўқ қилиш бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг диққат марказида бўлади.

Бу борада бошланган маъмурий ислоҳотларни изчил давом эттириб, инсон ва бизнесга кўмаклашадиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимини жорий этамиз.

Ҳурматли банк бошқарувчилари!

Бир фикрни очиқ айтишимиз керак, ислоҳотларимизни амалга ошириш ва ҳозирги натижаларга эришишда халқаро ҳамкорларимизнинг кўмаги биз учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугун қатъий ишонч билан айта оламан – Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш йўлида Европа тикланиш ва тараққиёт банки бизнинг стратегик ҳамкоримизга айланди. Айниқса, банкнинг мамлакатимиздаги лойиҳалар портфели 4 миллиард евродан ошгани, шундан 3,3 миллиард евролик лойиҳалар сўнгги тўрт йилда бошлангани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ўтган йил якуни билан Ўзбекистон банкнинг бешта энг асосий ҳамкорлари қаторига кирди. Йиллик инвестиция ҳажми бўйича эса, унинг Марказий Осиёдаги энг йирик бизнес шеригига айланди.

Энг муҳими, банк билан хусусий секторни ривожлантириш борасидаги ёндашув ва мақсадларимиз ҳам уйғун ва ҳамоҳангдир. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда банк лойиҳаларида хусусий бизнеснинг улуши 55 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, бугунги кунда ўта долзарб бўлган “яшил энергия”, ичимлик суви, йўл-транспорт инфратузилмаси, экология каби соҳаларда ҳамкорлигимиз жадал ривожланмоқда. Хусусан, қайта тикланадиган энергия соҳасида банкнинг 600 миллион евро маблағлари иштирокида йирик лойиҳаларни бошладик. Бундай фаол ҳамкорлигимиз иқтисодиётимизга бошқа хорижий инвесторларни жалб этишда ҳам “катализатор” бўлиб хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бизни қўллаб келаётган Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбарияти, айниқса, банк президенти Рено-Бассо хонимга, банкка аъзо давлатлар ҳукуматлари ва бошқарувчиларига, банк билан ҳамкор ташкилотлар ва инвесторларга, биз билан биргаликда лойиҳаларни амалга ошираётган барча банк ходимларига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бундан буён ҳам ислоҳотларимизни давом эттиришда ривожланиш борасидаги халқаро ташкилотлар, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорликка таянамиз.

Биринчидан, биз мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда фақат ва фақат хусусий секторга таянамиз. Шу боис, келгуси тараққиётимиз хусусийлаштириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Бу борада корхоналардаги давлат улушларини сотиш, стратегик компаниялар ва йирик банкларнинг акцияларини очиқ савдога чиқариш бўйича йил бошида катта марраларни олдик. Хусусан, илк бор иқтисодиётимиз учун стратегик аҳамиятга эга 40 та корхона “IPO”га олиб чиқилади.

Ушбу йўналишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан катта дастурни амалга оширамиз.

Биргина мисол, мамлакатимизнинг энг йирик банклари – “Ўзсаноатқурилишбанк”и ва “Асака” банкини хусусийлаштириш бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан фаол иш олиб боряпмиз. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш, энг замонавий технологиялари бор инвесторларни жалб этиш бўйича банк билан алоҳида дастурни бошладик.

Биз камбағалликни қисқартириш бўйича олдимизга катта марраларни қўйдик. Уларга эришиш учун тадбиркорларга янги-янги имконият ва шароитлар яратамиз. Шу мақсадда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича банк билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Иккинчидан, инфратузилма, тиббиёт, таълим, транспорт, экология каби давлат ихтиёридаги соҳаларда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш.

Бу борада банк билан мамлакатимизда илк бор Наманганда ичимлик суви тармоғини бошқариш, Тошкент – Самарқанд замонавий магистрал автомобиль йўлини қуриш лойиҳаларини бошлаяпмиз.

Салоҳияти юқори бўлган туризм соҳасида ҳам давлат-хусусий шерикликни кенгайтирамиз. Ўйлайманки, сизлар Самарқандда бўлиб, мамлакатимизнинг туризм борасида қандай катта истиқболга эга эканини ўзингиз ҳис қилиб турибсиз.

Умуман, мазкур анжуман доирасида соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилма, транспорт, энергетика соҳаларида 40 дан ортиқ йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тақдимоти ўтказилади. Ушбу лойиҳалар сизларда катта қизиқиш уйғотишига ишончим комил.

Учинчидан, “яшил иқтисодиёт”, айниқса, “яшил энергия” соҳаларини жадал ривожлантириш.

Биз 2030 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказишни режа қилганмиз. Бу борада Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шу йилнинг ўзида умумий қуввати 1,2 гигаватт бўлган 3 та йирик қуёш станцияси барпо этилади.

Шу билан бирга, бугунги анжуман бўлиб ўтаётган кўҳна Самарқанд яқинда банкнинг “яшил шаҳарлар” дастурига киритилди. Биз Нукус, Андижон, Бухоро ва Наманган каби шаҳарларимизни ҳам ушбу дастурга киритишда банкнинг кўмагига таянамиз.

Тўртинчидан, биз Янги Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Бу борада банк билан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича амалга ошираётган дастурларимиз алоҳида эътиборга сазовордир. Бундай лойиҳаларни кескин ошириш бўйича банк билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтирамиз.

Бешинчидан, банк билан бирга илғор агротехнологиялар, сувни тежаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича яна кўплаб янги лойиҳаларни амалга оширишга тайёрмиз.

Глобал озиқ-овқат тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда бундай лойиҳалар банк учун ҳам, инвесторлар учун ҳам жуда фойдали бўлади, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Биз Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантиришни Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олганмиз.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва изчил саъй-ҳаракатимиз натижасида бугун Марказий Осиё яхши қўшничилик ва шерикликнинг ёрқин намунасига айланиб бормоқда. Жумладан, қўшниларимиз билан иқтисодий муносабатларни кенгайтириш мақсадида биз қўшма инвестиция фондларини ташкил этдик, саноат, энергетика, транспорт ва сув хўжалигида бир қатор йирик лойиҳаларни бошладик. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа хорижий ҳамкорларимизни бундай минтақавий лойиҳаларда фаол иштирок этишга таклиф этамиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Сўзимнинг якунида яна бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман: бугунги халқаро анжуман Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқиш учун тарихий имконият яратмоқда.

Самарқандга 71 та мамлакат ҳукуматлари вакиллари ташриф буюргани ҳам ушбу давлатлар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни бошлашга катта туртки беришига аминман.

Бугунги “Ўзбекистон инвестиция тақдимоти”да мамлакатимиз бизнес соҳасида қандай катта имкониятларга эга экани атрофлича кўрсатиб берилди. Бундан ташқари, анжуман доирасида бўлиб ўтадиган сессия ва учрашувларда сизларга янги лойиҳалар батафсил тақдим қилинади.

Шу кунларда анжуманнинг ҳар бир иштирокчиси Ўзбекистондаги янги бизнес йўналишларини ўзи учун кашф этишига ишонаман. Шу билан бирга, юртимизнинг қадимий тарихи, бетакрор маданий мероси, халқимизга хос меҳмондўстлик ва очиққўнгиллик фазилатлари сизларда унутилмас таассуротлар қолдиради, деб ўйлайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда катта ютуқ ва омадлар, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



## Enter Steel ва Enter SOLAR Green Energy фаолияти журналистлар нигоҳида

(Боши 1-саҳифада)

Маҳсулотлар сифати қай даражада синчковлик билан текширилишини заводнинг Марказий лабораториясида ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу ерда меҳмонларга Испаниянинг Ibertest бренди ишлаб чиқарган физикавий-механикавий синовлар учун мўлжалланган аппаратларида металларнинг сифатини текшириш жараёни кўргазмали тарзда намойиш этилди.

Пресс-тур дастурида белгиланган яна бир манзил – жорий йилда қурилган ва айни пайтда ишга тушириш-созлаш жараёнлари олиб борилаётган завод бўлди. Замонавий инновацион технологиялар билан жиҳозланган ушбу завод Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда 25 йиллик фойдаланиш муддати кафолатланган қуёш панеллари тайёрланади, улар келгусида мамлакатимизда бунёд этилажак фотоэлектрик станциялар (ФЕК)га ўрнатилиши режалаштирилган. Журналистлар яқинда монтаж ишлари якунланган Ecoprogetti (Италия)нинг автоматлаштирилган линияси иши билан танишдилар, мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Қайд этиш жоизки, бугун бу ерда мингга яқин ишчи ўрни яратилгани ҳам Enter Steel ва Enter SOLAR Green Energy заводларининг юксак ижтимоий аҳамиятини тасдиқлайди.

**Ўз мухбиримиз**




ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

## ТУРКСАРОЙ ВА ҚЎҚОНСОЙ ГИДРОУЧАСТКАЛАРИДА ИШЛАР ҚИЗҒИН

*Сўх-Оқтепа ИТБга қарашли Турксарой сув тақсимлаш бўлими пешқадам меҳнат жамоаларидан ҳисобланади. Сув тақсимлаш бўлими ишчиларининг шу кунларда олиб бораётган ишлари жуда тиғиз. Негаки, ҳали Сўх дарёсида сув кўпайгани йўқ, мавжуд сув эса талаб даражасидан паст.*

– Тиғиз вазиятдан оқилона чиқиш учун туманлар ўртасида уч кундан сув навбати йўлга қўйилди, – дейди участка бошлиғи Умиджон Саидов. – Ана шу усул қўл келаётир. Июнь ойига бориб баланд тоғларнинг музлари эрий бошагандагина дарё сувлари пўртана бўлиб кўпириб оқади. Неча ойлардан бери сув тегмай, қақраб ётган дов-дарахтлар ҳам, томорқа ерлари ҳам, уватдаги қўшимча ерлар ҳам сувга қонади. Биз ҳозир Қўқонсой магистрал каналини жорий таъмирлаш ишларида қатнашаяпмиз. Фермерларга ажратилган сувларни тақсимлаб, уни етказиб беришни таъминлаяпмиз ва ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан бўлган ёрдамчи хўжалик ишларини самарали юритмоқдамиз. Ёрдамчи хўжалигимиз ер майдони 0,70 гектарни ташкил этади. Унда етиштирилаётган турли озиқ-овқат маҳсулотлари, эртапишар мевали дарахтлардан териб олинаётган гилос, ўрик мевалари ишчилар дастурхонини безамоқда.

Умиджон Саидов ирригация тизимида 10 йилча ишлаб чиқариш бўлимини бошқарган. У бошлиқ жамоанинг энг муҳим вазифаси сувни тежаб-тергаб фойдаланишга эришиш, сув иншоотларини ўз вақтида таъмирлаш, вегитация даврида экинзорларга лимит бўйича ажратилган сувни етказиб беришдан иборатдир.

Сирдарёнинг тепа қисмида жойлашган Данғара туманига қарашли 4 минг гектар атрофидаги экинзорларини суғоришга ва Катта Фарғона каналини тўйинтиришга хизмат қилувчи Қўқонсой магистрал канали бугунги кунда жорий таъмирланмоқда. Бу канал 7,6 километр масофага чўзилган. Асосан тошлоқ ва адирлардан тез оқиб келувчи сув каналнинг қирғоқларини ва тагини тешиб юборган. Канал тез-тез таъмирлаб турилмаса, сувнинг йўқолиш даражаси ортади.

Каналнинг жорий таъмири учун Сўх-Оқтепа ИТБ маблағ ажратган бўлиб, барча гидроучасткалардан 70-80 киши ҳашарда қатнашмоқда. Кераклии техникалар жалб қилингани учун ишда унум бўлаётир.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**



# РАВОН ЙЎЛЛАРДА

## ОЛИС МАНЗИЛЛАР КЎЗЛАНАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Текис, равон йўллар манзилларни яқин қилса, носозу нобоп йўллар доимо аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сўнгги йилларда йўлсозлик соҳасини ривожлантириш, йўлларни халқаро талаблар даражасига келтириш, ички йўлларни навбатма-навбат тартибга келтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йўлсозлар томонидан замонавий йўл, йўл ўтказгич, кўприк, пиёдалар учун ер ости ва ер усти йўллари бунёд этилаётирки, буларнинг барчаси аҳолининг узоғини яқин қилмоқда. Буни Самарқанд вилояти Боғишамол йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Корхона жамоаси биргина ўтган йилнинг ўзида А-378 “Самарқанд-Ғузор” автомобиль йўлининг 0-57 км. қисмларида салкам бир миллиард сўмлик жорий таъмирлаш ишларини олиб боришди. Бунда эскирган, яроқсиз қопламалар, чуқурчалар ҳосил булиб бузилган йўлларга асфальтобетон қопламалари ётқизилди. Эскирган йўл белгилари янгиларига алмаштирилди, қопламаларга ётиқли чизиқлар, пиёдалар ўтиш жойлари чизилди ва бошқа таъмирлаш ишлари бажарилди.





Худди шунингдек, 4Р-46 “Самарқанд ш.-Жума ш.-Каттақурғон ш.” автомобиль йўлининг 0-65 км. қисмларида ҳам жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Автомобил йўллари бош бошқармаси томонидан 990 миллион сўм лимит ажратилиб, шартнома тузилган эди. Шу маблағ тўлиқ сарфланиши эвазига бу йўллардаги эскирган, яроқсиз қопламалар ва қопламалардаги чуқурчалар ҳосил бўлиб бузилган йўлларга асфальтобетон қопламалари ётқизилди. Эскирган йўл белгилари алмаштирилиб, қопламаларга зарур чизиқлар чизиш ишлари бажарилди.

Пудрат ишлари бўйича Самарқанд вилояти Автомобил йўллари бош бошқармаси томонидан шартнома тузилиб, М-37 А “Самарқанд ҳалқа йўли” автомобиль йўлининг 33-41 км. оралиғида 103 миллиард 600 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Яъни, М-37 А “Самарқанд ҳалқа йўли” автомобиль йўлининг 33-41 км. қисмлари автомобиль йўллари кенгайтирилиб, қопламалар ётқизилди. Қолаверса, йўл ёқаларида кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам олиб борилиб, четдан келтирилган ҳар хил турдаги манзарали дарахтлар ва буталар экилди. Пиёда ва велойўлаклар, тратуарлар қурилди, замонавий темир йўл тўсиқлар ўрнатилди.



Ўтган йили Боғишамол йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси томонидан халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида жами 105 миллиард 580 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Туман, шаҳар ички автомобил йўлларида ҳам муайян таъмирлаш ишлари олиб борилди. Самарқанд шаҳри ҳамда Ургут туманидаги ички йўлларда жами 6 миллиард 113 миллион сўмдан ортиқ ишлар бажарилди. Аниқ рақамларда келтирадиган бўлсак, ўтган йил давомида унитар корхона жамоаси томонидан 111 миллиард 700 миллион сўмга яқин ишлар бажарилди.

– Жорий йилда ҳам ўлкан режаларни ўз олдимизга қўйганмиз, – дейди Боғишамол йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси директори Алишер Ҳасанов. –Жумладан, ҳозиргача Самарқанд шаҳар ички йўлларига 21 минг 507 метр узунликда асфальтобетон қопламаси ётқизилиб, бунинг учун қарийб 5 миллиард 103 миллион сўм маблағ сарфланди. Йил якунига қадар халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари ҳамда ички йўлларда 50 миллиард сўмлик асфальтобетон ётқизиш ишлари бажарилиши режалаштирилган.

**Ориф ЖУМАНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

Эълон

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Мудофаа бўлими томонидан 29.03.1957 йилда туғилган Хаджанов Илхом Турсуновичга 19.09.1991 йилда берилган А № 670132 рақамли, имтиёзга эга бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

### Санта Моника шаҳридаги маҳобатли иморатлар, узоқ-узоқлардан кўриниб турган тоғлар кўнгилда ажиб туйғуларни уйғотади

# УММОН ОРТИ ТААССУРОТЛАРИ

**(Боши 1-саҳифада)**

У одамлар орасида доимо ҳозиру нозир. Айтганча, улар оилада уч эгизак эдилар. Боз устига алпомишдек уч ўғил ҳаётда ўз ўрнини топиб кетгвн. Жумладан, "Climate Reality" ташкилотининг иқлим бўйича бизнес ишчи гуруҳи раҳбари Эндрю Эллис 2017 йилда ташкил этилган ташкилотда сув ва қайта тикланадиган энергия борасида маҳаллий аҳоли ва ҳукумат билан ҳамкорликда самарали иш олиб бораётганини қайд этди. Ҳозирда ушбу ташкилот ўз теварагига она-табиатга, атроф-муҳитга меҳри бўлакча 700 дан ортиқ аъзоларни жамлаган. Ҳар куни фуқаролар, ўқитувчилар, олимлар, фаоллар, рассомлар, ижодкорлар умуман барча кўнгиллилар билан иқлим ўзгаришларининг келиб чиқиши ва оқибатлари ҳамда уни қандай ҳал қилиш бўйича фикр-алмашувлар ўтказилади. Шунингдек, экологияни ўнглаш ҳамда қишлоқ хўжалиги жабҳасида сифатли маҳсулот етиштиришда деҳқон, фермерларга қандай кўмак берилиши муҳокама қилинади. Қолаверса, корхоналарда энергия тежамкорлигини йўлга қўйиш, қайта тикланадиган энергияга ўтиш ва иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этишга кўмаклашадилар. Улар Лос-Анжелесдаги 13 гектарлик Десконса миллий парки ҳолатини яхшилашга, флора ва фаунасини асрашга ҳам доимо эътибор қаратиб келишмоқда.

Голливуд тоғларида буғулар сероб. Улар ўткир панжалари билан гул шохларини кўпориб ташлашни ёқтирадилар. Бу ҳол гулу, буталарга малол келди. Шунда денг наъматак ўз гулларини ана шу бало-қазолардан асраб қолишнинг чорасини излаб топди. У зўр бериб танасида тикон ўстирди. Ўзига осиладиган, суйкаладиган шохли, панжали жониворларга очиқдан-очиқ уруш эди аслида бу. Бу тоғда ёввойи шернинг ҳам ғанимлари топилади. Яқинлари, жигарлари деярли йўқ ҳисоби. У она-отасидан жуда эрта ажралиб, етим бўлиб қолди. У ҳаётда кўрмаган кўргулик, чекмаган азоб-уқубат деярли қолмади. Барига чайирлиги ва чапдастлиги туфайлигина чидади, бардош берди. Бу йил эрта баҳордан ёғин-сочин сероб бўлиб, тоғларда ўт-ўлан мўл бўлди. Кедр ғуддалари бўлиқ бўлди. Тоғдаги буғуларга жон кирди. Эт қўйиб, обдон семирди. Кучига куч қўшилди. Ёввойи шер ҳар куни дуч келадиган жониворларга тиш қайрайдиган бўлди. Уларни истаганча ўлжа этиб, қорнини тўқлайдиган бўлди. Бир куни Эндрю амаки тоғ бағрини кезиб юрган эди. Тошлар шиғиллаб, тепаликдан пастга ёввойи шер тушиб келди. Эндрю амаки дарҳол бир дарахт панасига беркинди. Барибир ёввойи йиртқич одам исини олиб, аввалига аланг-жаланг қараб туради. Сўнг, дарахт панасидаги инсон эканини кўриб, ўзича дадилланди. Ўкирган овози чор-атрофни тутди. Шер боласи бир маҳаллари отасини отиб ташлаган одамга ўхшайдиган одамга кўзи тушди. Ўша кезлари атак-чечак қадам босарди. "Пақ" деган овоз эшитилиб, тепасидаги наъматак шохлари ерга қулаб тушганди. Отасини одам узган ўқ ер тишлатди. Буни кўриб қўрқиб кетган ёввойи шер боласи шундай югурдики, ҳали умрида бундайин чопмаганди. У амаллаб қоронғу ғорга кириб, жонини омон сақлаб қолди. Ана шуларни хаёлига келтириб, музтаргина бўлиб қолди. Баъзи бир йўлгир овчилар товуқ каллаларига заҳар сочиб, тоғ даралирага сочиб юборади. Бу тузоққа ёввойи шерлар галаси оппа-осонгина тушади, деб ўйлашди. Гарчанд йиртқичлар бу егуликни хуш кўрсада, нафсини тийиб, егуликдан тотинмади. Бечорагина жонивор зорланиб, ўкириб, бу хавфдан тўдасидагиларни огоҳ этди. Бунинг сири фақатгина табиат аталмиш яратиққагина аён. Аммо Эндрю амакига аҳамият бермади. У билан пачакилашиб ўтиргиси келмади. Негадир ёввойи шернинг аҳволи тузукка ўхшамади. Буни унинг баданлари ёрилиб, тирналганидан, боз устига инграниб-инграниб оқсоқланиб юришидан ҳам пайқаш мумкин эди. Шу маҳал у турган жой яқинида уч-тўртта шохдор буғулар пайдо бўлди. Буни кўрган шерга жон кирди. У илдамлик билан буғуни қувиб етмоқчи бўлди. Лекин оқсоқ оёқлари панд берди. Ўзича оёқларим оғриб, юролмай қолсам нима бўлади деб қўрқди. Эндрю амакининг тоғда ёввойи шер билан учрашуви яхшилик билан якун топди. Назаримда шер қорин ташвишида олис-олисларга бош олиб кетганди. Тоғда, ўрмонда ҳузур-ҳаловат топишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун курашишга, ранж, машаққат чекишга тўғри келади. Эндрю амаки Голливуд тоғларини кезиш асносида жониворлар феълини тузук билиб олди. У жониворларга инсон тегинмаса, тегинмаслигини илғаб етди.

## ҚАРИ ЭМАН ВА ЭРОНЛИК БАҲРОМ

Ҳаво очиқ бўлсада, осмонда қорамтир булутлар лашкари кезиб юрарди. Чор-атрофдан намгарчилик ва рутубат ҳиди анқийди. Самода самолёт ва вертолёт парвоз этади. Биз келган манзил Лос-Анжелесдан хийла олис масофада эди. Кўчанинг ўнг бетида дид ва ҳафсала билан барпо этилган бир, икки қаватли уйлар. Ундан нарида голф ўйнайдиган ям-яшил ўйнгоҳ. Бу ерда хуморидан чиққунча спорт билан шуғулланиш мумкин эди. Эътиборимизни уч асрлик эман дарахти тортди. Бу дарахтнинг бу жойда қандай пайдо бўлиб қолганлигини асли эронлик бўлган Баҳром Фезели изоҳлаб берди. Унинг ерга қадалганига уч юз йилдан ошган. Шунинг учун одамлар қарияни беҳад ардоқлайди. У ҳақида етарлича афсоналар тўқилган. Баҳром афсонада баён этилган фикрларнинг рўй-ростлигига ишонади. Очиғи, унинг ҳавас, ишончу иштиёқига ҳавас қилдим. Яна каминанинг нигоҳи нотаниш эл манзаралари ва одамларига қадалди. Америкаликлар пўрим кийинишни хуш кўрмасликларини англаб етдим. Бу нарса инсонлар таъби, диди билан боғлиқми, ё азалдан шундай одатга кўникканми, одатланганми, деб ўйлаб қолдим. Бундан қаҳрамоним Баҳром ҳам мустасно эмас эди. Умуман АҚШнинг барча минтақалари бўйлаб бир ҳолни кузатиб, ҳайрон қилдим. Ҳаво унчалик иссиқ эмас, чанг-ғубор йўқ. Боз устига оқ ва ёрқинроқ кийимлар тез кир бўлмайди. Аксинча, улар тўқроқ, кирчималроқ рангдаги кийимлар кийишни маъқул кўрадилар. Шу ерда анча туриб қолдик. Оёғи ерга мустаҳкамланган стол атрофидаги ясама ўриндиқа чўкдик. Яқинда савалаб ўтган ёмғир ўз ишини қилган, ўриндиқлар нам эди. Шундай бўлсада, ўриндиқдан турай демадик. Суҳбат қизиди. Америкада бирор бир киши билан учрашмоқчи бўлсангиз, аввалдан унинг розилигини олишингиз керак бўлади. Биздагидек сизни дастурхон ёзиб, нон-чой, узум ва лаззатли таомлар билан сийлаб ўтирмайди. Хуллас, у ёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтирибмиз. Қизиқишим ортиб, жой номлари, эътиборга молик тарихий ёдгорликлар ҳақида эринмай сўрайман. Мезбон билганича, бир-бирини тўлдириб жавоб қайтаради. У назаримда кўпгина маълумот ва далилларни эзмаланмасдан, шарт-шарт айтарди. Лос-Анжелесдан то шу манзил оралиғидаги аҳоли яшаш пунктлари жойлашуви, табиати, урф-одати, уй-жойлари, тутумлари, одамларнинг яшаш тарзи, экин-тикинлари, уларнинг номланиши билан боғлиқ ажойиб ва теша тегмаган гаплардан бизларни хабардор қилди. Шу пайт ўч-тўрт болакай биз тамонга қизиқсиниб қараб қўйди. Очиғи, бу манзилдаги манзара ва ҳолатлар менга бора-бора таниш ва қадрдон бўлиб қолди. Ва ниҳоят сидқидилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш келар, деганларидек, суҳбатдошим Баҳром гап нишабини ўзи фаолият олиб бораётган жабҳага бурди. "Communities for a Better Environment" ташкилоти ходими Баҳром қайд этганидек, 45 йилдирки уларнинг экологик ташкилоти маҳаллий даражада экологик муаммоларни ҳал қилиш, айниқса, кам таъминланганлар учун кўпинча номутаносиб таъсир кўрсатадиган жамоалар ҳаракатини ташкил этиб келмоқда. Колифорния кучли ифлосланган шаҳар ҳавоси бизни энг ўйлантирадиган масаладир. Ўтган 18 йил давомида ташкилот аъзолари бир қатор тадқиқотлар олиб бориб, ижтимоий лойиҳаларни режалаштириш ва турли компаниялар учун техник ёрдам кўрсатиш учун юридик ёрдамлар кўрсатиб келаяпти. Жумладан, нодавлат ташкилоти аъзолари аҳоли ҳудудларида нефт қазиб олишни хавфсиз ташкил этиш, аҳоли саломатлиги учун мухофаза қўрғонини яратиш масалаларига устувор вазифа сифатида қарайди.

Асли эронлик бўлган Баҳром тақдир тақозасига кўра АҚШга келиб қолади. Америкадан бошпана, иззат-ҳурмат топган йигитча тез орада уммон орти юртининг суюкли, иқтидорли фарзандларидан бири бўлиб қолди. У шу ерда уйланди, бола-чақали бўлди.

## ЭКОЛОГИК МУАММОЛЛАР ГИРДОБИ

Сўнгги вақтларда шаҳарлар ҳавоси чатоқлашиб бормоқда. Сув ресурслари танқис, аҳвол бундан яхши, тузук бўлмаслиги аниқ. Тўғри, бу тахлитдаги гап-сўзлар одам кўнглини хира қилиши турган гап. Олимларнинг фикрича, ҳаракатли тус олаётган бу кўнгилсизликдан қутулишнинг ягона йўли бор. Тажрибадан маълумки, ҳар қандай замонавий техника ҳам ифлосланган сувни, ҳавони зарарсизлантириб, табиий ҳолига қайтармайди. Ифлос оқова турли йўллар билан океан, денгиз, дарё, кўл ва ер ости сувларига бориб қўйилаверади. Тараққиётнинг чўққисига кўтарилган АҚШдек мамлакатда ҳам ер ости қудуқлари суви тортилиб бормоқда, қурғоқчилик кузатилмоқда. "Sierra Club-Los Angeles Chapter" марказининг иқлим бўйича ҳаракатлар қўмитаси раиси Аура Васкес билан мулоқотимиз давомида қўмита ўн йилдан ортиқ вақтдан бери Лос-Анжелесда тоза ҳаво учун корхоналар фаолиятини ўрганиб, уларнинг бу борадаги камчиликларини тузатишга эътибор қаратиб келаётганини билдирди. 2014 йил март ойида бутун шаҳар коалициясининг саъй-ҳаракатлари билан 2025 йилдан бошлаб Лос-Анжелес кўмирсиз ҳудуд бўлиши эълон қилинган. Бу борада айни пайтда ташкилот "Тоза ҳаво" лойиҳасини амалга ошириб келаяпти.

## ОКЕАН "КЎЗ ЁШЛАРИ"

Санта Моника шаҳарчаси Тинч океани соҳилларига яқин манзилда жойлашган. Катта сувлик гуркираб, ичидан қайнаб-тошиб, довулдан куч-қувват олгандек жўшиб, ҳар томонга чайқалишдан сира тинмайди. Ўркач-ўркач баланд тўлқинлар кўтарилиб, соҳил яқинига келиб зарб билан урилади. Бу ҳол ҳар куни бот-бот такрорланаверади. Муттасил равишда соҳилга келиб урилиб турган сув тўлқинлари бир зарб билан одамни ҳам, қайиқни ҳам саёз соҳилга суриб чиқариб қўяди. Шимим почасини шимириб, бир зумда ирғиб сувга тушдим. Ниятим оч, пуштиранг тўлқинлар рақсини, оҳангини берилиб тинглаш эди. Оёғимдаги яп-янги туфли шўр сувдан шалаббо бўлиб кетди. Аммо ўзим росаям ҳузур қилдим. Ахир неча йиллардан бери, океанни кўришни, унинг шўр, оромбахш сувларига оёқ ювишни ният қилган эдим. Беихтиёр қадди бастимни ростладим. Обиҳаётнинг муздек, товланувчи бўйидан маҳкам қучоқладим. Шу маҳал қуйруғи билан қутургандай ирғишлаб, буралиб, шағал, чағир тошларни ҳар томонга сочиб, қизғиш оғзини капа-капа очиб сазанга ўхшаш балиқ чиқиб келди. Буни кўриб росаям севиниб кетдим. Қўлимни кўтариб, худди боладек ирғишладим. Танга топган гадойдек оғзим қулоғимда эди. Ахир ҳамманинг олдида ҳам дабдурустдан балиқ чиқиб қолмайди-ку дедим ўз-ўзимга. У ўз оламидан, океанидан айрилиб қолишни сира-сира истамасди. У хийла вақтгача юм-юмалоқ, мусаффо кўзларини юммай, қирғоқ рошида туриб қолди. Бир гала чағалайлар ҳозиру нозир бўлдилар. Улар текин хўрак илинжида узу-кун шу ерда изғийдилар. Аммо, ақлли балиқ уларга тутқич бермади. Тўлқинлар қирғоққа урилган маҳали, унга қўшилиб уммон ичкарисига кириб, йўқолди. Океан билан қирғоқ ораси бир чақримча келади. Бор бўйича қум билан қопланган. Қум оёқдаги туфлига ёпишмайди. Ёзда шу момиқ қумга бағрингни бериб ётсанг, чарчоқларинг чиқади. Соҳил яқинида уч-тўртта кемалар кўзга ташланади. Ҳозир дам олиш мавсуми бўлмаганлиги учун одам сийрак. Олис-олислардан, уфқ денгизи устидаги қорамтир булутлар орасидан қуёш кўринади. У кўзни қамаштирувчи заррин нурларини тинмай сочарди. Санта Моника шаҳридаги маҳобатли иморатлар, узоқ-узоқлардан кўриниб турган тоғлар кўнгилда ажиб туйғуларни уйғотади. Гуриллаган тўлқинлар овозига қулоқ осдим. Баъзида қаттиқ довул, шамол эсиб, океанда улкан тўлқинлар кўтарилмайди. Улкан, катта сувлик гуркираб шарқираб туради. Бу тўлқинлар яқинлашаётган довулдан дарак беради. Унгача Тинч океани бағрида бундайин тўлқинлар бўлса керак деган ўйда эдим. Гуриллаган тўлқинлар овозига қулоқ осиб, кўнглим хотиржам тортди. Бугунги куним серзавқ ҳамда унутилмас таассуротларга бой тарзда ўтганди. Кўз ўнгимдан катта ва қудратли сувлик билан қопланган, поёнсиз Тинч океани бор бўйича ястаниб ётарди. Тинч океани манзаралари хаёлимда узоқ йиллар сақланиб қолса керак...

Қурғоқчилик ёмғирга кўз тикиб, ҳосил етиштиришни кўзлаган воҳаларга ўз таъсирини ўтказаётгани рост. Шунданми, Колифорния ўлкасидаги ер соҳиблари табиат ишидан хафа, кўзлари мунгли. Буни сезгандек мен ҳам увишган юрак, минг бир ҳаяжон билан адоқсиз кенгликларга термуламан. Интиҳосиз экинзорлар табиат қўйнида ҳувиллаб қолганга ўхшаб кўринади. Сезаяпманки, бу оғриқлар бора-бора танамга кўчаётгандек. Қурғоқчиликдан азият чекиш ҳисси фақатгина инсонларнинг кўзларидагина эмас, тоғлар, лалми далалар, булоқлар, балиқларнинг кўзларида ҳам бордай эди.

Тоғ ва даштлар бағридаги ёмғир ва қор сувлари жиловланиб, бир жойга тўпланади. Ана шу обиҳаёт экинларни қондириб суғоришда қўл келади. Бу билан улар лалимикор ерлардан ҳам кўпроқ ҳосил олиб, фаровонликка эришишни мақсад қиладилар.

Ёмғир суви – тоза сув. Бинобарин, ун билан яйловларни суғориш, аҳоли ва чорва молларини сув билан таъминлаш мумкин. Аслида сувда яралиш бор, сарф бор, гуллаб-яшнатиш бор. Сувнинг ўрнини босадиган бошқа ресурс йўқ.

Миллий ресурсларни ҳимоя қилиш кенгаши (NRDC) ташкилоти ходими Ароҳи Шарма фикрича регенератив усулда қишлоқ хўжалигини рағбатлантирадиган сиёсат юритиш иқлим ўзгариши, тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилиш, сувдан фойдаланишни камайтириш, биологик хилма-хилликни тиклашга ёрдам беради. Ташкилотнинг бу борада кўзлаган режалари улкан. Булар сирасига қишлоқ хўжалигини юксалтириш, қуёш панелларидан расамади билан фойдаланиш ҳамда бошқа масалаларни қўшиш мумкин.

* * *

Тинч океани соҳилда турганимда бир ўй миямга ўрнашиб қолди. Океан суви шўр. У худди инсоннинг кўз ёшлари каби тахир, шўр экан. Аммо бу неъмат ўта зарур ва кераклидир. Қолаверса, инсоннинг ташқи кўринишини камина денгизга менгзаган бўлардим. Бир қадар чиройли, сокин ва сирли. Шу ўринда бир ўхшатиш. Инсон баъзида ўз ичидаги туйғу ва қувончларини, дарду аламларини кўз ёши тўкиши натижасида ташқарига чиқариб юборади ва бир қадар сокин ва осойишта сезади ўзини. Эҳтимол, океан бағридаги катта сувлик ҳам вақти-вақти билан қайғу-дардларини, қувончу кўз ёшларини тўкишни шунчалик истаб қолади. Шу важдан унинг бағридаги сув шўр ва тахирдир. Аммо шунга қарамай инсон унинг бағрига талпинади. Ўз дарду-ситамларини унга борича тўкиб, бўшатгиси келади...

## ТОҒБЕГИ ВА ШЕР

Кўкка бўй чўзган улкан ва маҳобатли тоғлар орасидаги дара, сайҳон ва ўнгирларда ёввойи тоғ шерлари яшайди. Йирик, баҳайбат, боз устига калласидан тортиб, бўйнигача қалин жун билан қопланган. Кун бўйи ғордаги инларида маза қилиб дам олиб, куч-қувватга тўлган йиртқичлар кечки салқинда яйраб, ўйнайдилар. Шерлар онаси болалари ўйинини кўриб, терисига сиғмай шод бўлади.

Брендан Каммингс (Биологик хилма-хиллик марказининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича директори) Табиатни муҳофаза қилиш ва экотурзм соҳаси ривожи йўлида иш юритади. Жамоа биологик хилма-хиллик инсон фаровонлигининг асосий кўриниши деб ҳисоблайди. Чунки табиат билан чамбарчас дунёмизда ёввойи ҳайвонларнинг хилма-хиллиги ва ўсимликлар бойлиги жамият ютуғидир. Уларнинг йўқолишига йўл қўймаслик эса барчанинг бурчидир. Шу боис илм-фан, ҳуқуқ ва оммавий ахборот воситалари орқали ерларни, сувларни, флора ва фаунани ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширади. Ташкилот аъзолари қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлар тўғрисидаги ўнлаб таклифларни ўртага суриб, Денгиз сут эмизувчиларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун, Тоза сув қонуни ва бошқа кўплаб штат ва федерал низомларни қабул қилишда фаоллик кўрсатади. Ташкилот табиатни муҳофаза қилиш ва экотуризмни ривожлантириш билан шуғулланади. Хусусан, Моронго ҳавзасидаги чўлни ҳимоя қилади. Бу борада айтиш лозимки, Моронго ҳавзасининг иқтисодий ва экологик эксплуатацияси ҳудуд ва ёндош ҳудуд аҳолисининг манфаатларига мос келмайди. Шу боис Катта Моронго ҳавзаси деб номланувчи бутун ҳудуд учун бош режа тузиш ғояси илгари сурилмоқда. 1969 йилда аҳоли билан бирга Моронго ҳавзасида электр узатиш тармоғини қуришни тўхтатишга эришилди.

## МАРИН ТРЕСТИ

Бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги жабҳаси жонкуярлари Сан-Франциско кўрфазидан бир соатлик масофа нарида, Марин деган жойда қишлоқ хўжалиги корхоналари, йирик мулк эгалари, фермерларга кўмак қўлини чўзиш мақсадида қишлоқ хўжалиги трестини тузган эдилар. Марин ўзининг муздек ва совуқ, ширин булоқ сувлари, тотли ва мазали қўй сутидан тайёрланган сирлари билан машҳур. Бу ерда ўт-ўлан мўл бўлиб, дашту биёбон узра турли хил қушлар ва ҳайвонлар ғимирлаб қолади. Улар ўз насибаларини излаб топиш билан овора бўладилар. Айниқса, даралардаги ширин-шарбат мевалар, моҳир чорвадорлар томонидан парваришланган серсут молларнинг сут-қатиғи танани яйратади. Марин даштларидан эсадиган ҳузурбахш шабада заифланган ўпка ва юракларга куч-қувват беради. Заминга меҳр-муҳаббати чандон баланд бўлган эзгу ниятли кишилар мана шу даштлар бағрида трест барпо этиб, йирик мулк соҳиблари бошини бир ерга қовуштириб, улардан ўз маслаҳатларини сираям аямасдилар. Улар ҳамиша замин инсониятни тўйдиради, ичиради, кийдиради, замин асли она деган тушунчани англашларига кўмаклашадилар.

1980 йилда чорвадор аёл Эллен Страус ва ботаник Филлис Фабер оилавий фермаларни ҳимоя қилиш учун маҳаллий чорвадорлар ва табиатни муҳофаза қилувчиларни бирлаштириб, Марин қишлоқ хўжалиги ерлари трестига асос солган. Ташкилот қишлоқ хўжалигида сув муаммолари, уруғчилик ва экинларни алмашлаб экишни тарғиб этиш билан шуғулланишни бош мақсад қилган. Ўтган йиллар давомида ташкилот Марин округида 55 минг акрдан ортиқ майдонни ҳимоя қилиб, сармоя киритилишига эришди. Жумладан, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, сув сифатини ҳимоя қилиш ва кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларга 1,8 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилди. Бу лойиҳалар асосида 13 та чучук сув булоқлари қайта қурилди, 61 350 фут суғориш қувурлари, 46 та сув сақлаш идиши ўрнатилди. Ўрнатилган 20 та сув насосларининг кўпчилиги қуёш энергияси билан ишлайди. Марин округидаги барча фермерлар грант олиш ҳуқуқига эга...

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**журналист.**

*Эълон*

## Диққат танлов!

Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинадиган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин соат 18:00 да якунланади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг **uzbekbaliqsanoat.uz** расмий веб-сайти ёки **(78) 148-70-70** ишонч телефони орқали олишлари мумкин.

### "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси томонидан танловга қўйиладиган табиий сув ҳавзалари рўйхати

| № | Туман номи | Табиий сув ҳавза номи | Майдон *(гектар)* |
|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** *(танлов санаси 11.07.2023 й)* | | | |
| Манзил: | | Нукус ш., Қизкеткен кўчаси 14-б | |
| 1 | Амударё тумани | "Шарсапа" кўли | 8,2 |
| 2 | Беруний тумани | "Зариб қара" кўли | 5,3 |
| 3 | Беруний тумани | 17-контур | 1 |
| 4 | Бўзатов (Кегейли) тумани | "Довуткўл Қорабек" кўли | 2864,9 |
| 5 | Бўзатов (Кегейли) тумани | Кутанкўл кўли | 52,2 |
| 6 | Қораўзак тумани | "Сарикўл" кўли | 13,6 |
| 7 | Қўнғирот тумани | Марал-Машын кеткен-Балтакеткен, Сашка кули | 299 |
| 8 | Мўйноқ тумани | Мойнак колтығы кўли | 4527,1 |
| 9 | Мўйноқ тумани | Мақпал кўли | 668,8 |
| 10 | Мўйноқ тумани | Междуречье куксу кўли | 2715 |
| 11 | Мўйноқ тумани | "Жауынғыр" кўли | 29,4 |
| 12 | Мўйноқ тумани | "Карамуш" кўли | 220,1 |
| 13 | Мўйноқ тумани | "Қизил кема" кўли | 1,78 |
| 14 | Мўйноқ тумани | "Закир" кўли | 330 |
| 15 | Мўйноқ тумани | Арқа Мақпал кўли | 35,4 |
| 16 | Мўйноқ тумани | Узынқайыр кўли | 5 |
| 17 | Мўйноқ тумани | "Арка Аббаз-Карамуш" кўли | 50,6 |
| 18 | Тахтакўпир тумани | "Козден бармас" кўли | 53 |
| 19 | Тахтакўпир тумани | Шор коли | 39,1 |
| 20 | Тахтакўпир тумани | "Костобе" кўли | 91,4 |
| 21 | Тахтакўпир тумани | "Қарамоллабас кўли" | 102 |
| 22 | Тўрткўл тумани | Қизилқум | 4,5 |
| 23 | Тўрткўл тумани | Куксу Лоток яб Контур кўли | 10 |
| 24 | Тўрткўл тумани | Айдынкўл кўли | 10,1 |
| 25 | Тўрткўл тумани | Шоркўл кўли | 16,9 |
| 26 | Тўрткўл тумани | Араб кўли | 6,6 |
| 27 | Тўрткўл тумани | Эрёзқалъа | 6,8 |
| 28 | Шуманай тумани | 2133-сонли контур кўли | 2,5 |
| 29 | Шуманай тумани | 2878-а-санлы контур | 1,4 |
| 30 | Шуманай тумани | "306-контур" кўли | 8,1 |
| 31 | Элликқалъа тумани | 441 контур кўли | 2,1 |
| 32 | Элликқалъа тумани | 301 контур кўли | 2,8 |
| 33 | Элликқалъа тумани | Жинган кўли | 3,9 |
| 34 | Элликқалъа тумани | "Чаланг" кўли | 1,6 |
| 35 | Элликқалъа тумани | Уйсаланг-2 | 50,4 |
| 36 | Элликқалъа тумани | Бақберген кули | 68 |
| 37 | Элликқалъа тумани | Думанқала кўли | 27,5 |
| **37** | **Жами** | | **12336** |
| **Бухоро вилояти** *(танлов санаси 17.07.2023 й)* | | | |
| Манзил: | | Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси, 297/1-уй | |
| 1 | Бухоро тумани | "Қумсултон" кўли | 2987 |
| 2 | Олот тумани | "Денгизкўл 3-контур" | 1000 |
| **2** | **Жами** | | **3987** |
| **Қашқадарё вилояти** *(танлов санаси 20.07.2023 й)* | | | |
| Манзил: | | Қарши ш, Ўзбекистон кўчаси 81а-уй | |
| 1 | Қамаши тумани | "Чимқўрғон" сув омбори | 4455 |
| 2 | Китоб тумани | "Шўробсой" сув омбори | 5 |
| **2** | **Жами** | | **4460** |
| **Тошкент вилояти** *(танлов санаси 18.07.2023 й)* | | | |
| Манзил: | | Нурафшон ш. Тошкент йўли кўчаси 24-уй. 4-қават | |
| 1 | Бекобод тумани | Табиий кўл | 2,4 |
| 2 | Бекобод тумани | Табиий кўл | 3,7 |
| 3 | Бекобод тумани | Табиий кўл | 1,15 |
| 4 | Бекобод тумани | Табиий кўл | 35,4 |
| **4** | **Жами** | | **43** |
| **Хоразм вилояти** *(танлов санаси 13.07.2023 й)* | | | |
| Манзил: | | Урганч шаҳри, Тинчлик кўчаси 22А-уй | |
| 1 | Хазорасп тумани | "Шўркўл - 2" | 6,8 |
| 2 | Хазорасп тумани | "Протоқ" кўли | 33,2 |
| 3 | Қўшкўпир тумани | "Чегара" кўли | 40,7 |
| 4 | Тупроққалъа тумани | "Чегара" кўли | 18,1 |
| 5 | Шовот тумани | "Бўстон" кўли | 94,8 |
| **5** | **Жами** | | **193,6** |

*Эълон*

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги "Давлат хизматлари" маркази томонидан 2019 йил 2 декабрь санасида 786713 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RENT COMFORTE" МЧЖ (СТИР: 306911095) ўз устав фондини 3 536 000 000 сўмдан 3 093 318 750 сўмга камайтирилаётганлигини маълум қилади.

**Ўқув қўлланмалар соҳа вакилларига иш фаолиятида асқотади**

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

# ДАРС СИФАТИНИ ОШИРИШДА ҚАНДАЙ ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

*Маълумки, барча ёшдаги ўқувчилар ноанъанавий дарс шаклларини ёқтиради. Шунинг учун гуруҳларда ишлаш мавзуларни ўзлаштириш ва қайта эсга олишга ёрдам беради.*

Гуруҳларда ишлаганда интерфаол усуллардан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, "Зинама-зина" методи ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка, кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш ва ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириш, фикрларни ёзма, чизма, расм кўринишида ифодалашга ўргатади. Ўқувчиларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга ўргатади, ёзма ва оғзаки нутқини оширади.

"Ақлий ҳужум" методини эса ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фанидан келиб чиқиб, дарс ўтиш жараёнида қўлласа бўлади ва бу ҳам яхши натижа беради. Бунда дастлаб ўқувчиларга муаммоли саволлар берилади ва уларнинг фикр ва ғоялари тингланади. Билдирилган ғоя ва фикрлар муҳокама ва танқид қилинмайди. Сўнгра ўқувчиларнинг фикрлари ўқитувчи томонидан умумлаштирилади.

Самарали ташкил этилган ҳар бир дарс ёшларнинг эркин фикрлаш, мустақил ишлаш кўникмасини ҳосил қилишда асосий ўрин тутади. Ана шундай усуллардан фойдаланиш ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлади.

**Азамат МАВЛОНОВ,**
**Зулфия МАВЛОНОВА,**
**Ғузор туманидаги У.Уватов номли 1-ИДУМ ўқитувчилари.**

# ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИ АКС ЭТТИРИЛГАН



*Раҳматулла Усмановнинг "Пахтачилик мажмуи ташкилий тизимлари кўрсаткичларини таҳлиллаш, синтез қилиш ва оптималлаштириш моделлари. Пахта муаммолари" китоби "Ridero" интеллектуал нашриёт тизимида ўтган йили чоп этилиб, интернет магазинларга жойлаштирилганди. Китобда тизимли ёндашув асосида, "операцияларни текшириш"дан фойдаланиб, нима қилиш керак эмас, қандай қилиш керак деган саволларга жавоблар кўрсатилган.*




Қўлланманинг Пахтачилик мажмуи ташкилий тизимлари кўрсаткичларини таҳлиллаш ва синтез қилиш моделлари бўлимида пахтачилик корхоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлиллаш ва синтез қилиш моделлари, пахта тозалаш корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларини шакллантириш, ишлаб чиқариш-техник параметрларини таҳлил қилиш кабилар келтирилган бўлса, Ташкилий тизимларни оптималлаштириш бўлимида оптималлаштиришнинг аҳамияти, унинг асосий босқичлари кўрсатиб ўтилган.

Пахтачилик мажмуи мутахассислари, иқтисодчилар, инженерлар, раҳбар ва илмий ходимлар қўлланмадан иш фаолиятида фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг "Пахта тозалаш корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш" китоб эса номи юқорида зикр этилган интеллектуал нашриёт тизимида жорий йилда чоп этилиб, интернет магазинларга жойлаштирилди. Унда пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнлари ва ускуналари хавфсизлиги, электр қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари батафсил ёритилган бўлиб, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммоси илк бор илмий асосланган нуқтаи назардан келтирилган. Ўқув қўлланманинг меҳнатни муҳофаза




қилиш асослари бўлимида меҳнатни муҳофаза қилишнинг умумий масалалари, меҳнат шартномаси тарафларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш, корхона раҳбарларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари ва мавзуга алоқадор бошқа кўплаб жиҳатлар ўз ифодасини топган.

Ўйлаймизки, мазкур ўқув қўлланма ҳам соҳа вакилларига иш фаолиятида асқотади.

# ВАТАНПАРВАРЛИК ЮКСАК ФАЗИЛАТ

*Эътироф этиш жоизки, Янги Ўзбекистонда кечаётган конституциявий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этиш ҳамда мустаҳкамлаш, очиқ, адолатли ва баркамол фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, демократия ғояларига, ижтимоий адолат, эркинлик ва тенглик каби олий қадриятларга ўз содиқлигини ифода этишдан иборатдир.*

Энг муҳими, конституциявий қонун лойиҳасининг фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши билан референдум асосида қабул қилиниши бу халқимиз хоҳиш-иродасининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади".

Айни конституциявий ислоҳотлар юксалиб бораётган конституциявий ватанпарварликнинг ватандошларимиз руҳиятидаги, бир томондан, юртимиз равнақида бирламчи асос бўлган амалдаги Бош қонунимизга садоқат, ишонч ва ҳурмат туйғуси билан йўғрилган ифодаси бўлса, иккинчи томондан, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги глобаллашув даври тақозоси ўлароқ, жамиятимиз тараққиёти бардавомлигини келажакда ҳам барқарор таъминлаш йўлидаги дахлдорлик ҳисси жўш уриб турган яна бир ҳаётий намунасидир. Шундан келиб чиқиб бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин. Ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш, уларда миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч эканини, ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини ошириш, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш каби масалалар доимо муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб бориш шарт.

Дарҳақиқат, жамият ривожлангани сари катта аҳамият касб этадиган маънавий қадриятлардан бири бу ватанпарварлик туйғусидир. Ватанпарварлик она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилатдир. Ватанга, халққа бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишиларнинг қалбидан чуқур ўрин олади ва фаолиятига таъсир этади.

Ёшлар Ватанимизнинг, миллатимизнинг келажагидир. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топшириш мумкин. Бунинг учун улар зиммаларига юклатилаётган энг мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти ила чуқур англашлари, унга ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш бугунги таълим-тарбия тизими олдида турган устувор вазифалардандир.

**Фарида ШОКИРОВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси.**

*Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,*
*қўлингдан келганча тера олсанг бас.*
**А.РУДАКИЙ**



Ҳа, кутубхоналарни ҳақли равишда маданият пойдевори, дея эътироф этиш мумкин. Зеро, кутубхоналар ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, уларнинг ривожланишида кутубхоначи-библиографларнинг хизматларини таъкидлаб ўтиш зарур.

# Кутубхона – МАДАНИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Шу ўринда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимида фаолият юритиб келаётган, ташкил топганига салкам бир аср бўладиган Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонасида кўп йиллар фидокорона меҳнат қилган кутубхоначилар ҳақида гапириб ўтишни лозим топдик. Н. Еремянц, О.Никольская, Р.Отажонов, О.Татаринова, Х.Умарова, Т.Қосимов, К.Мирзаева, Г.Носирова, Л.Тюленова, Х.Каримбоева, С.Очилдиев, С.Ниязова, М.Низямова, М.Исҳоқова, М.Ҳасанова, М.Раҳимжонова каби малакали мутахассислар ўтган асрда китобларни тарғиб қилишда самарали хизмат кўрсатганлар. Улар нафақат маҳаллий китобхонларга, балки ўтган асрнинг 70-80 йилларида юртимизда таҳсил олтган Африка, Нигерия, Вьетнам каби хорижий давлатлардан келган талабаларга қишлоқ хўжалиги фанининг барча соҳалари бўйича илмий нашрлардан фойдаланишларида собиқ иттифоқ Республикаларидаги қишлоқ хўжалиги кутубхоналари билан кутубхоналараро абонемент (МБА) орқали китоб алмашинувини йўлга қўйиб, уларнинг қизиқиши, эҳтиёжларидан келиб чиқиб кўмак берганлар. Малакали мутахассислар томонидан ўз даврида қўриқ ерларни ўзлаштиришга мўлжалланган қатор китоб ва мақолаларнинг қирқдан ортиқ мавзули библиографик кўрсаткичлари тузилган. Бунда китобхонлар томонидан "тирик энциклопедия", деб ном олган "Библиография ва илмий ахборот бўлими" бошлиғи Н.К.Еремянц бошчилигидаги библиография ходимларининг хизмати катта. Илмий кутубхонадаги манбалардан фойдаланган ҳолда кўпгина олимлар номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлашган.

Бугунги кунда кутубхоначилик тизимида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор китобларни каталоглаштиришни автоматлаштириш (электрон каталог яратиш), кутубхона фондларини рақамлаштириш-сканерлаш, сканерланган электрон PDF-китобларни кутубхона тизимидаги дастурларга улаш, электрон нашрларни жамлаш, библиографик маълумотлар базасини шакллантиришга қаратилди. Китобхонларга ижтимоий тармоқларда масофадан туриб хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Бу анъанавий кутубхона хизматидан воз кечиш дегани эмас, албатта. Балки, замонавий воситалар ёрдамида одамларни китобга яқинлаштириш, билим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида 21 май кунининг Кутубхоначилар куни деб белгиланиши, кутубхоначиларнинг кўп йиллик меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун мукофотланиши бу касбнинг нақадар шарафли ва ҳурмат-эътиборга лойиқ эканлигини кўрсатди.

**Нигора ЛУТФУЛЛАЕВА,**
**кутубхоначи-библиограф.**

Эълон




Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари),*
Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари).*

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-540. 1788 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
**e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru** Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10